
“Солиқчи - кўмакчи” тамойили асосида Қува тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилаётган ишлар

“Солиқ ва божхона қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-785-сон Қонун билан Солиқ кодексига қатор ўзгартиришлар киритилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган мазкур қонунга асосан қатор солиқ имтиёзлари жорий этилди.

Хусусан, чакана савдо, умумий овқатланиш, меҳмонхона, йўловчи ва юк ташиш, автотранспортларни таъмирлаш каби хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борувчи тадбиркорлар учун 2022 йил 1 апрелдан 2025 йилдан 1 январга қадар **ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз** (амалда 12%) этиб белгиланди.

Шунингдек, чарм, мўйна хом ашёси ва жунни қайта тайёрлаш, қорамолни автоматлаштирилган тарзда сўйиш, жун, қорақўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, поябзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январгача **фойда, айланмадан олинадиган ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинди**.

Албатта, берилаётган солиқ имтиёзлари тадбиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар яратади, соҳани ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида **“Солиқчи-кўмакчи”** тамойили асосида Қува **тумани давлат солиқ инспекцияси** ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда мунтазам равишда тадбиркорлар билан турли очиқ мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда, муаммолар ўрганилиб ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, 2022 йил январь-июль ойи давомида Қува тумани ДСИ томонидан **2375 та** тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолари ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган **2303 та** тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солиқ идоралари ходимлари тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлашга, солиқ қонунчилигига оид зарур ёрдамларни кўрсатишга ҳамиша тайёрмиз.

2022-08-02 19:05:47